

Судьялар олий кенгашининг
2021 йил 6 декабрдаги
1646-сонли қарорига
илова

Судьялар олий кенгашининг 2022 йил 18 мартдаги 1682-сонли ҳамда 2022 йил 8 апрелдаги 1687-қарорлари билан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилган

**Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг
баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 7 декабрдаги ПФ–6127-сонли Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, судьялар фаолиятининг самарадорлигини электрон баҳолаш (бундан буён матнда баҳолаш деб юритилади) тартибини белгилайди.

2. Судьялар фаолиятининг самарадорлиги асосий ва қўшимча мезонлар асосида баҳоланади (1-илова).

Суд қарорларининг сифати, судьянинг одоби ва масъулияти ҳамда судьянинг чет тилларини билиши асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, коррупцияга қарши курашишда фаоллиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгаллиги, судьяларнинг касбий малакасини оширишда қатнашганлиги ҳамда ишдаги тарафларнинг ярашувига (келишувига) эришганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

3. Қуйидаги судьялар фаолиятининг самарадорлиги ушбу Низомда белгиланган мезонлар асосида баҳоланади:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьялари;
- туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари;
- туманлараро маъмурий суд раислари, раис ўринбосари ва судьялари;
- ҳудудий ҳарбий судлар раислари.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси

маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари ва раис ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги шу ҳудуд, суд ва ихтисосликда ишлаётган судьялар рейтинг балининг ўртача миқдори ҳисобида баҳоланади.

5. Баҳолаш ишлари Судьялар олий кенгашининг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси (бундан буён матнда Шўъба деб юритилади) томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

6. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

рейтинг баҳолаш тизими – 100 баллик баҳолаш тизими, бунда судья фаолиятининг самарадорлиги қуйидагича баҳоланади:

86 дан 100 баллгача – “намунали”;

71 дан 85 баллгача – “яхши”;

56 дан 70 баллгача – “қониқарли”;

55 баллгача – “қониқарсиз”.

балл – судья томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, шунингдек, бажарилган ишлар учун рақам билан ифодаланадиган баҳо.

баҳолаш даври – судья томонидан охириги ўн икки ой ичида қабул қилинган қарорлари, судьянинг одоби ва масъулияти, шунингдек, қўшимча баҳолаш мезонларида назарда тутилган фаолият билан боғлиқ амалга оширилган ҳаракатлари баҳолашда инобатга олинади.

электрон рейтинг дастури – Кенгаш ахборот тизимининг судьялар фаолияти самарадорлиги электрон рейтинг баҳосини автоматлаштирилган тарзда ҳисоблайдиган дастури (бундан буён матнда Дастур деб юритилади).

рейтинг – баҳолаш натижалари судьялар кесимида акс эттирилган рўйхат.

7. Баҳолаш инсон омилисиз ва аралашувисиз, ушбу Низомда қайд этилган маълумотларни Дастурга ҳар ой якунида киритиш орқали амалга оширилади (2-илова).

8. Судьянинг рейтинг баҳоси Дастурга киритилган маълумотлар асосида ушбу Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ автоматлаштирилган тарзда шаклланади.

9. Судья ўз фаолияти самарадорлигининг рейтинг баҳоси ҳамда баҳолаш мезонлари бўйича кўрсаткичлари билан бевосита танишиб бориши имкониятини яратиш орқали баҳолаш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади.

Судья Кенгашнинг ахборот тизимида рўйхатдан ўтиб, ўзининг фаолиятини баҳолаш рейтинг натижаси, жумладан, умумлаштирилган маълумотларни кўрсатувчи А4 форматдаги титул варағи ҳамда ҳар бир мезон бўйича дастурга киритилган маълумотлар билан танишиб бориши мумкин.

Суд раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган суд ва ҳудуддаги судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш рейтинг кўрсаткичлари билан танишиб боришлари мумкин.

2-боб. Маълумотларни Дастурга киритиш тартиби

10. Дастурга маълумотларни киритишга масъул шахслар Кенгашнинг масъул ходими томонидан ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади.

11. Баҳолаш мезонларида назарда тутилган маълумотларни тўплаш вазифаси ушбу Низомнинг 3-бандида қайд этилган судларнинг суд статистикасини юритишга масъул ходими, апелляция ёки кассация инстанцияларида иш юритишга масъул ходими ҳамда малака ҳайъати котиби зиммасига юклатилади.

12. Маълумотларни Дастурга киритиш вазифаси малака ҳайъати котиби ҳамда Кенгашнинг масъул ходими зиммасига юклатилади. Суднинг бошқа ходимларига Дастурга кириши ва ундан фойдаланиши қатъиян ман этилади.

13. Суд статистикасини юритишга масъул ходим апелляция ёки кассация инстанцияларида иш юритишга масъул ходим билан биргаликда баҳолаш даврида қўрилган ишлар сони ҳамда апелляция ва кассация инстанцияларида бекор қилинган ва ўзгартирилган суд қарорлари рўйхати ҳамда шу суд қарорларининг тасдиқланган нусхасини судьялар кесимида малака ҳайъатига электрон форматда ҳар ойнинг 3-санасига қадар тақдим этади.

14. Судьянинг одоби ва масъулиятини баҳолаш мезонларида назарда тутилган маълумотларни малака ҳайъати котиби иш юритувидаги ҳужжатлар асосида Дастурга киритади.

Бунинг учун судьянинг одоби ва масъулияти билан боғлиқ ўтказилган хизмат текшируви хулосалари ва улар бўйича қўзғатилган интизомий ишлар ҳамда интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги малака ҳайъатининг қарорлари нусхаларини судьялар кесимида йиғмажилдларда жамлаб борилади.

15. Чиқарилган.

16. Чет тилларини билишини тасдиқловчи ҳужжатлар бевосита судья томонидан малака ҳайъатига тақдим этилади.

17. Малака ҳайъати котиби тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлигини кўздан кечириб, ушбу Низомда белгиланган баҳолаш мезонларида назарда тутилган маълумотлар ва уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Дастурга судьялар кесимида ҳар ойнинг 10-санасига қадар киритади.

18. Малака ҳайъати котиби тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлигини кўздан кечириш мобайнида унга маълумот берган шахслардан қўшимча маълумотлар, изоҳ ва тушунтиришлар талаб қилиб олишга ҳақли.

Малака ҳайъати котиби унга берилган маълумотлар ҳаққоний эмаслигини аниқлаганда, бу ҳақида малака ҳайъати раисини дарҳол хабардор қилиши шарт.

19. Дастурга маълумотлар эҳтиётсизлик орқасидан хато киритилган тақдирда, малака ҳайъати котиби Кенгашнинг масъул ходимига хабар беради. Кенгашнинг масъул ходими малака ҳайъати котиби билан биргаликда хатони тузатиш чораларни кўради.

20. Дастурга хато киритилган маълумотлар бўйича бевосита судья томонидан ҳам малака ҳайъатига ёки Кенгашга монеликсиз хабар қилиниши мумкин.

3-боб. Суд қарорларининг сифатини баҳолаш мезони

21. Суд қарорининг сифати унинг апелляция ёки кассация инстанциясида қарорни қабул қилган судьянинг айби билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши асоси ва сабаби билан баҳоланади.

Баҳолашда инобатга олинadиган суд қарорининг бекор қилиши ёки ўзгартирилиши асос ва сабаблари Низомга 3-иловада қатъий белгиланган бўлиб, кенгайтириб талқин қилишга йўл қўйилмайди.

Судьянинг айби бўлмаган ҳолатда суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши баҳолашда инобатга олинмайди.

Судьянинг айби бўлмаган ҳолатда бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарори Дастурга киритилганлиги аниқланганда, шунингдек, Дастурга киритишда баҳсли бўлганда, судья тегишли малака ҳайъатига унинг айби бўлмаган ҳолатда бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарорларини Дастурдан ўчириш ёки Дастурга киритмасликни сўраб асослантирилган ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Малака ҳайъати судьянинг аризасини кўриб чиқиб, аризани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосани Кенгашга юборади.

Малака ҳайъатининг хулосасида муайян иш (ишлар) юзасидан якуний суд қарорини (қарорларини) қабул қилишда судьянинг айби бор-йўқлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Малака ҳайъатининг хулосаси асосида Дастурдан судьянинг айби бўлмаган ҳолатда бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарори Кенгаш масъули ходими томонидан ўчирилади, малака ҳайъати котиби томонидан суд қарори Дастурга киритилмайди.

22. Баҳолаш мезонларида баҳолаш даврида чиқарилган қуйидаги турдаги суд қарорларининг сифати инобатга олинади:

- жиноят ишлари бўйича айблов ҳукми, оқлов ҳукми ва ишни тугатиш ажрими;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича жазо қўллаш тўғрисида қарор ва ишни тугатиш тўғрисида қарор;
- фуқаролик ишлари, иқтисодий ишлар ҳамда маъмурий ишлар бўйича ҳал қилув қарори, ишни тугатиш ажрими;
- апелляция ва кассация ажримлари (қарорлари).

23. Мазкур мезон бўйича судьяга жами 50 балл бериш белгиланган бўлиб, баҳолаш даврида судья томонидан чиқарилган суд қарорининг юқори инстанцияларда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши асос ва сабабларига қараб 3-иловадаги жадвалда кўрсатилган жарима баллари судьянинг жами балидан айирилади.

Агар суд қарори қисман бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, жарима балининг ярми айирилади.

Судьянинг баҳолаш даврида чиқарилган суд қарори бекор қилинмаса ёки ўзгартирилмаса, судьяда жами 50 балл сақланиб қолади.

Судья баҳолаш даврида иш кўрмаган бўлса, унга суд қарорларининг сифатини баҳолаш мезони бўйича 50 балл берилмайди.

Суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг қуйидаги асослари ва сабаблари баҳолашда инобатга олинмайди:

– Жиноят ишлари бўйича жиноят иши ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилганда, жиноят малакаси ўзгартирилмасдан жазо тури ёки миқдори ўзгартирилганда, суд қарори қонунга мувофиқлаштирилганда, ЖКнинг 70, 71, 72-моддалари қўлланилганда;

– Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш МЖтКнинг 271-моддаси 1-бандидан бошқа асослар билан тугатилганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик малакаси ўзгартирилмасдан жазо тури ёки миқдори камайтирилганда, суд қарори қонунга мувофиқлаштирилганда;

– Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича иш тугатилганда.

24. Суд қарорининг қисман бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши деганда бир неча шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорининг айрим шахсларига оид қисми ёки суд қарорининг айрим талабларга оид қисми бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши тушунилади.

25. Апелляция инстанцияси томонидан бекор қилинган ёки ўзгартирилган биринчи инстанция судининг қарори кассация инстанциясида ўз кучида қолдирилган тақдирда, бу ҳақида Дастурга маълумот киритилади ҳамда ушбу қарор бўйича судьяга қўлланилган жарима бали автоматлаштирилган тарзда бекор қилинади.

26. Апелляция ва кассация инстанцияси ажрими бекор қилинганда ёки ўзгартирилганда ушбу Низомнинг 3-иловасидаги жадвалга мувофиқ жарима баллари қўлланилади.

Бунда ҳайъатда маърузачи судьянинг рейтинг баҳосидан тўлиқ жарима баллари айирилади, ҳайъатда раислик қилувчи ва ҳайъат аъзосидан жарима балларининг ярми айирилади.

4-боб. Судьянинг одоби ва масъулиятини баҳолаш мезонлари

27. Судьянинг одоби ва масъулияти Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисидаги” Қонунининг 74-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар хизмат текшируви хулосаси билан тасдиғини топиб, интизомий жазо қўлланилган қонунбузарлик, интизомсизлик, қоидабузарлик, ҳуқуқбузарлик, шунингдек, Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этмаслик ҳолатлари билан баҳоланади (4-илова).

28. Судьянинг масъулияти билан боғлиқ ҳаракатларга қуйидагилар:

- Суд мажлиси баённомаси юритилмаганлиги ёки имзоланмаганлиги;
- Суд муҳокамаси муддатига риоя этилмаганлиги;

- Якуний суд қарори ўз вақтида ёзилмаганлиги ёки имзоланмаганлиги;
- Якуний суд қарори ўз вақтида тарафларга юборилмаганлиги;
- Якуний суд қарори қонуний муддатда ижрога қаратилмаганлиги;
- Ишни юритишда процессуал қонун нормаларига риоя қилинмаганлиги;
- Меҳнат қонунчилигига (интизомига) риоя қилинмаганлиги;
- Ижро интизомига риоя қилинмаганлиги.

29. Судьянинг одоби Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги 490-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоби кодекси”сида белгиланган қоидаларга риоя этилмаганлиги билан баҳоланади.

30. Судьянинг маъмурий жавобгарликка тортилганлигини баҳолашда тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан судьяни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик берилиб, маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қонуний кучга кирган суднинг қарори инобатга олинади.

31. Интизомий иш тугатилган, интизомий жазо бекор қилинган ва муддатидан олдин тугатилган ҳолатлар бўйича маълумотлар Дастурга киритилмайди.

32. Интизомий иш тугатилганда, интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор бекор қилинганда, интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ўтганда ёки интизомий иш муддатидан олдин тугатилганда Дастурда қўлланилган тегишли жарима баллари автоматлаштирилган тарзда бекор қилинади.

33. Чиқарилган.

5-боб (34-38 бандлар) чиқарилган.

6-боб. Судьянинг чет тилларини билишини баҳолаш мезони

39. Судьянинг чет тилини билиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 августдаги 1-мх ва 23-мх-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхатдаги хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар асосида Common European Framework of Reference (CEFR) методикаси бўйича “B2” даражаси билан баҳоланади.

Чет давлатлар олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистр дипломлари судьянинг чет тилини билиши мезонида инобатга олинади.

40. Мазкур баҳолаш мезонида рус, инглиз, француз, немис, испан, итальян, араб, хитой, япон, корейс ва турк тилларини билиш инобатга олинади.

41. Чет тилини “B2” даражасида билишини тасдиқловчи махсус ҳужжат (халқаро тан олинган сертификат) унинг амал қилиш муддатида инобатга олинади.

Чет давлатлар олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистр дипломларига муддат татбиқ этилмайди.

42. Судьянинг чет тилини билиши 5 балл билан баҳоланади.

7-боб. Қўшимча баҳолаш мезонлари

43. Судьянинг иш ҳажми катталиги республика бўйича ўртача иш ҳажми миқдоридан юқорилиги билан баҳоланади.

Республика бўйича ўртача иш ҳажми миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими тавсияси асосида белгиланади.

Белгиланган меъёрдан юқори иш ҳажми эга судьяга 5 балл берилади.

Баҳолаш даврида судья томонидан камида 10 та иш бўйича суднинг ташаббуси билан тарафларнинг ярашувига ёки келишувига эришилганлиги қўшимча баҳолаш мезони сифати инобатга олинади (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бундан мустасно).

Судья томонидан тарафларнинг ярашувига ёки келишувига эришилган ишлар рўйхати Дастурга киритилади (7-илова).

44. Судьялар клубининг онлайн форумида фаоллик форумда яратилган мавзулар ва қолдирилган хабарлар миқдори билан баҳоланади. Баҳолаш даврида форумда фаоллик меъёри Судьялар клуби бошқарувчиси тавсияси асосида белгиланади.

Белгиланган меъёридан юқори даражада фаол судьяга 4 балл берилади.

45. Илмий даражага эгаллиги судьянинг фан номзоди, фан доктори (DSc) ҳамда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганлиги билан баҳоланади.

Илмий даражаси берилган ҳақида тасдиқловчи ҳужжат судья томонидан тегишли малака ҳайъатига тақдим қилиниши лозим.

46. Судьянинг бошқа судьялар касбий малакасини оширишдаги иштироки Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактабида тингловчилар ҳамда судьялар учун ўқув машғулотларини ўқитувчи сифатида ўтказганлиги билан баҳоланади.

47. Судьянинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллиги қўшимча баҳолаш мезони сифатида инобатга олинади.

Судья муайян ҳаракатларни бажарганлик ёки бажармаганлик учун мукофот (пора) таклиф қилинганлиги ҳақида Кенгашга ёки судьялар малака ҳайъатига белгиланган тартибда хабар қилганда судьянинг рейтинг кўрсаткичига 5 балл қўшилади.

8-боб. Баҳолаш натижалари

48. Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 20-санасигача Шўъба томонидан судьяларнинг баҳолаш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, судьяларнинг рейтингини шакллантиради ҳамда фаолияти қониқарсиз баҳоланган судьялар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан

Судьялар малака ҳайъатларига ёки Судьялар олий малака ҳайъатига муносабат билдиради.

49. Тегишли малака ҳайъатлари фаолияти қониқарсиз баҳоланган судьяларнинг Дастурга киритилган маълумотларини қайтадан текшириб, фаолияти қониқарсиз баҳоланганлиги тасдиқлангандан кейин уларнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича фаолият самарадорлигини ҳамда малакасини ошириш юзасидан ҳар бир судья учун алоҳида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқади, зарур ҳолларда аниқланган ножўя хатти-ҳаракатлар юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқади.

Рейтинг кўрсаткичи пастлигининг ўзи судьяни интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди.

50. Судьялар малака ҳайъатлари рейтингда ижобий натижаларга эришиш учун фаолияти қониқарсиз ва қониқарли баҳоланган судьяларнинг касбий малакасини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тегишли чора-тадбирларни амалга оширади.

9-боб. Яқуний қоидалар

51. Жарима балларини айириш натижасида мезон кўрсаткичи “0” (ноль) дан камайиб кетса, натижа “0” (ноль) га тенг бўлади.

52. Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш рейтинг кўрсаткичлари оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинмайди.

53. Ушбу Низом талабларига риоя этмаслик, шу жумладан, электрон рейтинг Дастурига нотўғри ва Низом талабларига зид бўлган маълумотларни киритиш ёки баҳолаш мезонларига боғлиқ маълумотларни яшириш интизомий жавобгарликка сабаб бўлади.